

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ “ОИЛА”  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**Дилором ТАШМУХАМЕДОВА  
Дилдора КАРИМОВА**

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШ ОИЛА**

*(Ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида)*



## **МОЛОДАЯ СЕМЬЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

*(По результатам социологических исследований)*

**Тошкент – 2019 йил**

УЎК: 316.362.7(575.1)(072)

КБК: 60.56(5Ў)

Т 29

Ўзбекистонда ёш оила (ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида). Молодая семья в Узбекистане (по результатам социологических исследований) /Д.Ташмухамедова, Д.Каримова. Илмий-услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази. – Тошкент: “Yurist-media markazi”, 2019. – 128 б.

**Муаллифлар:**

Ташмухамедова Дилором Гафуржановна – тиббиёт фанлари номзоди

Каримова Дилдора Мирсобитовна – иқтисод фанлари доктори

**Масъул муҳаррир:** Шухрат Деҳқонов

**Тақризчи:** Замира Билолова – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ахборот хизмати раҳбари

Мазкур нашр Ўзбекистонда ёш оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларига бағишланган. Ундаги таҳлилий материаллар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан 2018 йилда ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар натижаларига кўра тайёрланди.

Ушбу қўлланма оила институтини мустаҳкамлаш борасида фаолият юритувчи мутахассислар, шунингдек, ушбу масалалар бўйича қарор қабул қилувчи шахслар учун мўлжалланган.

**ISBN 978-9943-5133-3-4**

© Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази.

© “Yurist-media markazi” нашриёти

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
Ўзбекистонда ёш оила .....	7
Хулоса ва тавсиялар .....	46
Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари .....	53

## СОДЕРЖАНИЕ

Введение .....	68
Молодая семья в Узбекистане .....	70
Выводы и рекомендации .....	107
Социально-психологические аспекты подготовки молодежи к семейной жизни .....	113

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-3808-сонли Қарорига мувофиқ, давлат сиёсатида оила, унинг бахту саодати ва фаровонлигига қаратилган янги босқич белгиланди. Эндиликда оила нафақат хайр-эзгуликлар ва хизматлар истеъмолчиси, балки унга давлатнинг асоси, муҳим ижтимоий институт сифатида қаралмоқда. Умуман, оила давлат пойдеворининг кичик бир бўлаги саналиб, жамиятдаги барча ислохотларнинг барометри ҳисобланади. Ана шу нуқтаи назардан, оила иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, маданият ва, умуман, жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди.

Ёш оила доимо давлатимиз диққат-эътиборида бўлиб келган. Бундан 20 йил муқаддам, яъни 1998 йил Ўзбекистонда «Оила йили», ундан кейинги йиллар – «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили» (ва ҳоказолар) деб эълон қилинди. Ҳар бир йил учун оила ҳаётининг барча жиҳатларини, хусусан, иқтисодий, ижтимоий, маданий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа омилларни қамраб олган Давлат дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурларнинг ижросини таъминлашда давлат муассасала-

ри ва ташкилотлари, хотин-қизлар ҳамда ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилик, қолаверса, бутун халқ фаол иштирок этди.

Шу билан бир қаторда, республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли сиёсат амалга оширилди, бунда, табиийки, оила биринчи ўринга қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёш оила бу, эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оиладир.<sup>1</sup> Ушбу оила янги муносабатларни (шахслараро ва оила ичидаги), янги мақом (келиннинг, ёш оиланинг ҳақ-хуқуқлари), янги иқтисодий ҳолат (ёш оиланинг молиявий таъминоти, шахсий молиявий манбалар), янги турмуш йўналишларини шакллантириш босқичида бўлади.

Олимлар томонидан ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижалари янги мақом ва муносабатларни шакллантиришда ёш оиланинг барқарорлиги, асосан ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлиги билан боғлиқлигини тасдиқлади. Фарзандни тарбиялашдаги ёндашувлар оиладаги муносабатларнинг қандай барпо бўлганига қараб шакллантирилади.

Ёш оилаларни маънавий-моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва турмуш шарт-шароитларини яхшилаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда, уларнинг билим савиясини ошириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, бўлажак оила қурувчи йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича инновацион мактаблар яратилмоқда. Лекин, оила институтининг бугунги кундаги таҳлилига кўра, бу борада бир қатор камчиликлар мавжуд бўлиб,

<sup>1</sup> «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2016 йил, 15 сентябрь.

уларни чуқур ўрганиш ва ижобий ҳал этиш мақсадга мувофиқ.

Ёш оила ва баркамол авлод инновацион ғоялар, қарорлар ва ҳаракатларини ҳаётга татбиқ қилиши, Ўзбекистондаги барча ислоҳотларнинг асосига айланиши лозим. Республикада инновацион ривожланиш, таълим, оила институтини мустаҳкамлаш соҳаларида давлат сиёсатининг амалга оширилиши ёшлар масалаларига, айниқса, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига, ҳар томонлама ривожланишига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Ушбу нашрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ходимлари томонидан ёш оилаларнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш, шунингдек ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва ёш оилаларнинг турмушини мустаҳкамлаш борасидаги фикр-мулоҳазалар акс эттирилган.

## 1. ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШ ОИЛА

*(ижтимоий тадқиқотлар натажалари бўйича)*


Мазкур маълумот 2018 йилда республика миқёсида ёш оилалар ўртасида олиб борилган ижтимоий сўровнома натижасидир. Сўровномада иштирок этган 2837 нафар респондентнинг 31,6 фоизини эркаклар, 62,8 фоизини аёллар ташкил қилди.

Респондентларни танлаш – йўналиш (маршрут) усули ёрдамидаги квота ҳисобланади. Сўров ўзбек тилида, суҳбат кўринишида ўтказилди. Барча респондентлар вакил ҳисобланади. Танлаб олинган респондентлар ҳар бир ҳудудда аҳолининг 5–9 фоизини қамраб олган ҳудудлар аҳолиси сонига мутаносибдир. Тадқиқотчилар олдида ёш оилаларнинг оилавий аҳолини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг энг долзарб муаммоларини аниқлаш вазифаси қўйилди.

Маълумки, сўнгги йигирма йил ичида ёш оиланинг мавжуд хусусиятлари кўриниши ўзгарди. Бозор муносабатларига ўтишда мамлакат тараққиётидаги устуворликларнинг ўзгариши жамиятнинг бир хил қолипдаги онг, ахлоқий меъёрлар ва оила институтининг қадриятларини тубдан ўзгаришига ёрдам берди. Шу ўринда Ўзбекистонда ёш оилалар оилавий никоҳининг мавжуд шакллари кўриб чиқсак. Тадқиқотлар ёш оилалар кўп ҳолларда ФХДЁ органи рўйхатидан ўтиб, диний никоҳ билан мустаҳкамланган расмий никоҳда яшаб келаётганларини кўрсатди. Уларнинг 80 фоизи: 37 фоизи – 1 та; 32 фоизи – 2 та; 11 фоизи – 3 тадан фарзандга эга.

Аммо республика ҳудудларидаги ёш оилаларнинг қиёфаси мутлақо ҳар хил. Масалан, Қорақалпоғистонда бошқа ҳудудларга нисбат ФХДЁ органларида рўйхатга олинмаган, лекин диний никоҳ орқали тузилган оилалар кенг тарқалган. Шунингдек, ҳудудда на ФХДЁ органи рўйхатида, ва на шаръий никоҳда бўлмаган ёш оилалар ҳам бор.

Ёш оилалар никоҳининг шакли,  
 сўровнома ўтказилган оилаларнинг  
 сонига нисбатан %да



1-расм

Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммолари  
 рини ўрганиши ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон  
 ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролик никоҳларининг тарқалиши, масалан, келин ўғирлаш каби маҳаллий аҳолининг тарихий-маданий анъаналари билан боғлиқ эмас. Лекин, аксарият ёшлар бу ҳолат содир этилганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ, аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг хоҳиш-истагига зид равишда мажбуран никоҳлаб олиш учун ўғирлаш – энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланишдан беҳабарлар (136-модда).

Шунингдек, кўп хотинлилик, яъни умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ аёл билан эр-хотин бўлиб яшаш ҳолатлари учун ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарлик бор. Бунда ҳуқуқбузар энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шу ўринда, диний расм-русумларга кўра тузилган никоҳ ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга эмаслигини таъкидлаш лозим. Қонун ҳужжатларида ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталикни белгилаш, фақатгина ота-онанинг биргаликдаги аризаси асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Кези келганда таъкидлаш жоизки, оталик ишончномага асосан белгиланишига йўл қўйилмайди. Шу муносабат билан, оталик белгиланмасдан туриб, туғилган бола отанинг фамилиясини олиш ҳуқуқига эга бўлмайди ёки, агар болани рўйхатга олиш вақтида ота йўқ бўлса (бош-

қа давлатда бўлса), унда бу бола ёлғиз онадан туғилган шахс сифатида рўйхатга олинади ва унга онасининг фамилияси берилади. Оталик белгиланмаган бола ҳеч қандай мулк ёки мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Афсуски, фуқаролик никоҳи остида турмуш қуришга аҳд қилган ёшлар, бундай никоҳларнинг ўзлари ва фарзандлари учун қандай салбий оқибатларга олиб келишидан беҳабарлар.


*Расмий такрорий никоҳлар.* Никоҳлар сони бўйича берилган саволга респондентлар 79 фоиз – 1 марта, 19 фоиз – 2 марта, 1 фоиз – 3 марта турмуш қуришганини эътироф этишди. Энг қизиғи, эркакларнинг иккинчи турмуш қуриши аёлларга нисбатан 3 барабар кўп. Бундан ташқари, учинчи никоҳ қоида тариқасида, шаҳарда истиқомат қилувчи респондентларга (4 фоиз) тўғри келади.

Худудлар кесимида аксарият иккинчи турмуш қурганлар Фарғона вилоятида – 39 фоизни, Қорақалпоғистон Республикасида эса – 31 фоизни ташкил этади. Шунингдек, Қорақалпоғистон аҳолиси орасида учинчи турмуш қуриш ҳолатлари ҳам тез-тез учрайди (12 фоиз).

Шуни таъкидлаш жоизки, кўп ҳолларда, иккинчи ёки учинчи турмуш қураётганлар 17 ёшга тўлмай, илк турмуш қуриб, кейин ажрашган шахслардир (44 фоиз). Шу билан бирга, никоҳ тузиш шакли олинган жавобларни тақсимлашга мутлақо таъсир қилмагани маълум бўлди.

## Савол: Сиз неча марта турмуш қургансиз?

Сўровнома ўтказилган оилалар сонига нисбатан % да



Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.

*Никоҳ ёши.* Никоҳ ёши оила барқарорлигининг омилидир. Эрта никоҳ, одатда, ёш оилаларнинг барбод бўлишига сабаб бўлади.


Сўровларга кўра, қарийб 70 фоиз респондент 18-27 ёшда оила қурган. Қизлар 17 ёш ва ундан ҳам олдин турмушга чиқишган (6 фоиз), йигитлар 27 ёшдан ўтиб уйланишган (41 фоиз). Худудлар кесимида эрта турмуш қурганлар орасида Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари (4 фоиздан 5,5 фоизгача) етакчилик қилса, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 10 фоиздан кўпроқни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ, никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, жойлардаги (ФХДЁ органлари) туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Аксарият ёшларнинг фикрича, 21-27 ёшда оила қурган мақсадга мувофиқ. Бироқ, бу борада худудлар кесимида фарқлар мавжуд. Хусусан, анъанага мувофиқ, Фарғона водийси респондентлари (70-83 фоиз) никоҳ ёшини 21-27 ёш, деб ҳисоблашади. Андижон ва Фарғона вилоятлари вакилларининг 6-10 фоизи никоҳ ёшини 17 ва ундан кичик ёш, деб кўрсатишган.

Шу ўринда айтиш жоизки, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари респондентлари умумий сонининг 7 фоизи 17 ёш айна никоҳ тузиш ёши эканлигини эътироф этишган. Сўровномада иштирок этган Жиззах (45 фоиз), Қашқадарё (37 фоиз), Сурхондарё (40 фоиз) ва Хоразм (40 фоиз) вилоятлари вакиллари эса никоҳ ёшини 27 ёш ва ундан юқори бўлиши керак, деб жавоб беришган.

**Савол: Қайси ёшда уйланган маъқул?**  
 (турмушга чиққан) сўронома ўтказилган оилалар сонига нисбатан %да



*Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.*

**Ёш оила аъзоларининг иқтисодий фаоллиги  
(сўровнома ўтказилган ошлалар сонига нисбатан % да)**

Худудлар	Доимий иш ўрнига эга	Доимий даромадга эга эмас	Иқтисодий нофаол	
			Шулардан ўқимайди ва ишламайди	Шулардан
Қорақалпоғистон Республикаси	31,8	11,0	57,1	4,5
Андижон вилояти	65,8	2,7	31,5	3,6
Бўхоро вилояти	52,1	5,0	43,0	8,3
Жиззах вилояти	54,5	10,7	34,8	16,5
Қашқадарё вилояти	56,5	8,6	34,9	6,9
Навоний вилояти	64,9	5,3	29,8	7,4
Наманган вилояти	77,7	6,7	15,6	5,8
Самарқанд вилояти	50,9	11,0	38,1	13,9
Сурхондарё вилояти	53,8	6,3	39,8	9,0
Сирдарё вилояти	57,4	15,2	27,4	15,7
Тошкент вилояти	42,1	1,5	56,4	2,5
Фарғона вилояти	52,6	4,2	43,3	4,2
Хоразм вилояти	54,2	9,0	36,7	6,6
Тошкент шаҳри	40,9	3,7	55,5	12,8
Республика бўйича	54,7	7,4	37,9	8,6


*Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.*

*Ёш оилаларнинг иқтисодий фаоллиги.* Сўровларга кўра, ёш оила аъзоларининг иқтисодий фаоллиги давлат, хусусий ва жамоат секторидида 54,7 фоизни, доимий иш ўрни ва даромадга эга бўлмаганлар эса 7,4 фоизни ташкил этган. Қолган 37,9 фоизи таълим олиш, фарзанд тарбияси билан машғул, шунингдек, ўқимайдиган ва ишламайдиганлар 8,6 фоизни ташкил қилади. Иқтисодиётда ишга жалб этилмаган салоҳиятли ишчи кучига эга ёшлар орасида энг юқори кўрсаткич Жиззах (16,5 фоиз), Сирдарё (15,7 фоиз), Самарқанд (13,9 фоиз) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрига (12,8 фоиз) тўғри келмоқда.

Ишламайдиган ва ўқимайдиган респондентлар ушбу ҳолатга нисбатан муносиб иш ўрнининг йўқлиги (36 фоиз), бўш иш ўринларидаги иш ҳақининг озлиги (16 фоиз), шунингдек, оила аъзолари томонидан ишлашга бўлган тақиқ (12 фоиз), ўқиш ёки ишлашга бўлган хоҳиш-истакнинг йўқлиги (9 фоиз), саломатликнинг яхши эмаслиги (8 фоиз) ва ногиронлик (4 фоиз) каби сабабларни келтириб ўтишган.

## Савол: Сиз қайси сабабларга кўра ишламайсиз?

Сўровнома ўтказилган оилалар сонига нисбатан % да



Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.



*Ёш оилаларнинг моддий таъминоти.* Ёш оиланинг моддий таъминоти респондентнинг ойлик даромадига боғлиқ. Сўровномалардан маълум бўлишича, 31 фоиз – ойлик даромад 1 млн. сўмдан 2 млн. сўмгача, 26 фоиз – 300 минг сўмдан 1 млн. сўмгача, 12 фоиз – 300 минг сўмдан кам ойлик даромадга эга. Шунингдек, ёш оила вакиллари 4 фоиздан кўпроғи 2-3 млн.сўм, 2,4 фоизи эса 3 млн.сўмдан юқори ойлик маошига эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўровномада иштирок этган, ойлик даромади 1 млн. сўмдан зиёдни ташкил этган респондентларнинг аксарияти олий маълумотга эга бўлган шахслар (олий маълумотли респондентлар 52 фоиз). Магистратура йўналишини тамомлаган респондентларнинг 18,2 фоизи – 2-3 млн. сўм, 9,1 фоизи эса 3 млн. сўмдан юқори ойлик маошга эга.


Бундан ташқари, доимий иш ўрни бўлмаган респондентларнинг 8,7 фоизи 1 млн. сўм атрофида ойлик маош олишини, 16 фоизи эса доимий даромади йўқлиги сабаб қариндошларининг қарамоғида эканини эътироф этган. Булар, асосан, шаҳарда истиқомат қилувчилар (18 фоиз), аёллар (20 фоиз), ўрта маълумотга эса шахслардир (23 фоиз).

Респондентларнинг (51 фоизи) айтишича, олаётган даромади ўртача турмуш кечириш – озиқ-овқат ва асосий эҳтиёжлар таъминоти учун кифоя қилади. Шу билан бир қаторда, ёш оила аъзоларининг 20 фоизи юқори турмуш даражасига эга экани ва молиявий муаммоларга дуч келмаслигини таъкидлаган. 11 фоиз респондентнинг даромади фақат озиқ-овқат харажатларини қоплай олгани боис, улар ўзини кам таъминланган оила, деб ҳисоблайди.

*Уй-жой.* Ота-она билан бирга яшаш ёш оиланинг турмуш фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади. Агар икки ёки ундан ортиқ яқин қариндош оилалар биргаликда бир хонадон ё хўжаликда истиқомат қилса, бунда одатда, ота-оналар рўзғор юритиш ва фарзандларни тарбиялашда фаол иштирок этадилар. Сўровнома натижаларига кўра, иштирокчиларнинг тенг ярми ота-онаси билан яшашини, 26 фоизи хусусий турар жойга эгаллиги ва 6 фоизи ижара уйларда истиқомат қилишларини айтишган. Улардан 11 фоизи эса мазкур саволга жавоб қайтаришга қийналган. Наманган (69 фоиз), Жиззах (64 фоиз) ва Сурхондарё (65 фоиз) вилоятларида кўпчилик ёш оилалар ўз ота-оналари билан бирга яшашади. Сўровномага кўра, бошқа шаҳар ва қишлоқларда у қадар катта фарқ сезилмади.

Ота-оналар кундалик турмуш ва фарзандлар тарбиясида кўмакчи бўлганлари боис, ёш оилаларнинг 26 фоизи улар билан бирга яшаш қулайлигини, 29 фоиз ёш оила эса ота-она билан биргаликда яшаш фарзандлик бурчи эканлигини эътироф этган. Сўровномаларга кўра, оиладаги кундалик қарорларни қабул қилиш ва оила бюджетини юритишда ёш оиланинг иштироки 45 фоизни, ота-онаники эса 50 фоизни ташкил қилиши маълум бўлди. Кундалик турмушда ота-онанинг ёш оилани қўллаб-қувватлаши, уларнинг бевосита ишлаш ёки ишламаслиги билан боғлиқ. Замонавий оилада ишлайдиган пенсионерлар ёшларга моддий ёрдам кўрсатиш, айниқса, ёш оила ҳаётининг дастлабки йилларида ва фарзанд туғилиши даврида уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, ўз иш фаолиятларини давом эттирмоқдалар.

Ёш оилаларнинг уй-жой шароитлари,  
сўронома ўтказилган оилалар сонига нисбатан %да




Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммолари-ни ўрганиши ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.

Шундай бўлса-да, респондентларнинг 18 фоизи хусусий турар жойлари бўлмагани сабабли, ота-оналари билан яшаб келаётганлари, аслида эса алоҳида яшаш истагида эканликларини билдиришган. Яна 18 фоиз ёш оила ушбу саволга жавоб қайтаришга иккиланган.

Маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари, нуклеар, яъни, икки – ота-она ва уларнинг фарзандларидан ташкил топган оила (58,1 фоиз) – Ўзбекистон учун ўзига хос эканлигини кўрсатди. Сўнгги пайтларда нуклеар оилалар сони, бир вақтнинг ўзида уч авлод оилаларнинг кўпайиши ҳисобига камайиб бормоқда. Таърифга кўра, уч авлод оила тоифаси ота-она, фарзандлар ҳамда бобо билан бувидан иборат. Кексалар бола тарбиясининг маълум бир қисмини ўз зиммаларига олишлари, бобо ва буви билан бирга яшаш ўсиб келаётган ёш авлоднинг тўлақонли шаклланишига ижобий омил бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

*Бўш вақт.* Ёшлар ўзларининг бўш вақтларини қуйидагича ўтказишади: уй ишлари билан банд бўлиш (43 фоиз), фарзанд тарбияси (31 фоиз), телевизор томоша қилиш (31 фоиз), дўстлар даврасида ҳордиқ чиқариш (14 фоиз). Афсуски, бунда газета, журнал ва китоб мутолааси (19 фоиз) ва спорт (11 фоиз) билан шуғулланиш биринчи ўриндан жой олмагани ачинарли ҳолат. Ёшлар мобил телефонлардан фойдаланган ҳолда интернетдаги ижтимоий тармоқлар орқали дўстлари билан мулоқот қилишади, мусиқа тинглашади ва турли фильмларни томоша қилишади. Респондентлар томонидан шаҳар ва қишлоқ жойларда ёшларнинг бўш вақтларини ўтказиш борасида сезиларли фарқлар эътироф этилмаган.

## Савол: Сиз бўш вақтингизни қандай ўтказасиз? сўровнома ўтказилган оилалар сонига нисбатан % да




Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммола-рини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.

Шу билан бирга, сўровномада қатнашган ёшларнинг 34 фоизи интернет тармоғига уланмаганини қайд этди. Компьютер ва интернет тармоқларидан фойдаланувчилар, асосан, зарур адабиёт ва маълумотларни ўрганиш (компьютердан фойдаланувчилар 23 фоиз), янгиликлар (30 фоиз) ҳамда илмий материаллардан (9 фоиз) хабардор бўлишни мақсад қилган.

Замонавий оилада маиший муаммоларни ҳал қилиш ва болаларни тарбиялашда онанинг роли сезиларли аҳамиятга эга. Кўпинча болалар парвариши ва тарбиясида она отага нисбатан икки баробар кўп куч ва вақт сарфлайди. Эркаклар эса бўш вақтларини кўпроқ ўз манфаатлари йўлида сарфлашга мойилдирлар, фақат эркак респондентларнинг 15 фоизигина бўш вақтларида фарзанд тарбияси билан шуғулланишларини эътироф этишган.


Ёшлар бўш вақтларини, асосан, оила даврасида – ота-она ва фарзандлари қўршовида ўтказишади. «Сиз бўш вақтингизни турмуш ўртоғингиз билан қандай ўтказасиз?», деган саволга сўровнома иштирокчилари томонидан қуйидагича натижа олинди: бўш вақтини кўпроқ биргаликда (эр-хотин) ўтказишга ҳаракат қилувчилар (43 фоиз), ота-онаси ва фарзандлари билан (27 фоиз), эр-хотин эса дўстлар даврасида (5 фоиз) ҳордиқ чиқаришни афзал кўради. Шунингдек, бир-бирининг ишига аралашмаган ҳолда, бўш вақтини алоҳида-алоҳида ўтказувчилар 21 фоизни ташкил қилади.

**Савол: Сиз бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?**  
сўровнома ўтказилган оилалар сонига нисбатан % да



*Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муам-  
моларини ўрганиши ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбе-  
кистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.*

Савол: Сиз ҳаётингиздан қанчалик мамнунсиз?  
 сўровнома ўтказилган оилалар сонига нисбатан % да



Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.




*Ёш оилаларнинг ўз ҳаётидан қониқиши.* Умуман олганда, ёш оилаларнинг катта қисми ўз ҳаётидан мамнун (58,9 фоиз тўлиқ, 32,7 фоиз – қисман ва 8,4 фоиз – қоникмайди). Худудларда ёш оилаларнинг ўз турмуш тарзидан қониқиш даражаси бир-биридан фарқ қилади. Бу кўрсаткич Наманган ва Фарғона вилоятларида энг юқори, Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятларида эса энг паст даражани ташкил қилади.

*Ёш оилаларнинг асосий муаммолари.* Ўтган аср 90-йилларининг охири ва 2000 йилларнинг бошларида туғилган ҳамда тадқиқотлар объектига айланган ёш авлод янги Ўзбекистоннинг шаклланишига гувоҳ бўлиши билан бир қаторда, барча ислохотлар натижаларини тарқатувчиси ҳамдир. Ёш оилалар ўртасида ўтказилган сўровномалар натижасида уй-жой, оиланинг моддий таъминоти ва ишга жойлаштириш каби ижтимоий-иқтисодий жиҳатлар билан боғлиқ долзарб муаммолар аниқланди. Жинсий десегрегация мазмунидаги мазкур саволлар кўпроқ эркакларни қизиқтирган. Минтақавий худудлар кесимидаги жавобларда катта фарқлар кузатилмади.

Қишлоқ жойларда, айниқса, ёшлар маданий фаоллигининг нисбатан сустлиги нафақат шахсий истаклар, балки маданий ҳордиқ учун инфратузилма ва шарт-шароитларнинг етарли даражада эмаслиги ва ундаги мавжуд муаммолар билан боғлиқ. Бу, эркаклар ва аёллар орасидаги респондентларнинг 14 фоизи томонидан қайд этилган.

## Ёш оилаларнинг асосий муаммолари,

Сўровнома ўтказилган оилалар сонига нисбатан % да



Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.


*Ёш оилаларнинг асосий устувор йўналишлари.* Замонавий ёшларнинг ҳаётий мақсадлари ва устуворликларини аниқлаш мақсадида уларга энг биринчи ўринда олий маълумотга эга бўлиш, ишда мартабага эришиш, оила қуриш ва ота-она бўлиш каби жавоб вариантларини танлаш таклиф этилди. Сўровнома натижаларига кўра, олий маълумотли бўлиш ёшларнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди (44,4 фоиз), бу эса, кейинчалик юқори даромадга эга бўлиш, мансаб пиллапояларидан юқорилаш, оила қуриш ва ота-она бўлиш имконини беради (27,7 фоиз). Афсуски, кўпгина респондентлар мазкур масалада ҳали аниқ бир қарорга келмаганлари боис, саволларга жавоб қайтара олишмади.

Олий маълумотнинг муҳим устунлиги ҳақида гапирар эканмиз, ҳали кўплаб ёш оилаларнинг таълимга йўналтирилгани аён бўлади. Хусусан, келин ёки кув ёшлар танлашда ёшлар бўлажак турмуш ўртоғининг таълим даражасига кам эътибор беришади. Респондентларнинг фақат 11 фоизи жуфт танлашда таълим даражасини ҳисобга олишини, шу билан бирга, яхши тарбия кўрганлик (62 фоиз), оилавий ҳаётга тайёрлиги, уй-рўзғор ишларини юритиш (30 фоиз) ва ташқи кўринишга (17 фоиз) аҳамият беришини таъкидлаган.

*Оилавий муносабатлар.* Социолог, психолог ва педагоглар томонидан олиб борилган кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатдики, барқарор оиланинг пайдо бўлишида, нафақат ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлиги, балки, ота-оналарнинг уйда мавжуд соғлом муҳит ҳам муҳим роль ўйнайди. Оиладаги мақбул турмуш, асосан, тенг ҳуқуқли муносабатлар орқали вужудга келади. Оила аъзолари орасида ҳамжиҳатликнинг йўқлиги, шунингдек, ёлғон, иккиюзламачилик каби иллатларнинг урчиши ёш оилага салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

## Савол: Сиз турмуш ўртоғингиз билан муносабатингизни қандай баҳолайсиз?

сўровнома ўтказилган оилалар сонига нисбатан % да



Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммола-рини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.

Ўтказилган сўровномаларга мувофиқ, оилалар орасидаги муносабатлар ижобий, деб баҳоланган: бунда ёш оилаларнинг 75 фоизи эр-хотин орасидаги муносабатларни яхши, ёшлар билан ота-оналари орасидаги муносабатни ижобий (67 фоиз), деб баҳолашган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ФХДЁ органида рўйхатдан ўтмай, фақат шариатга мувофиқ (шаръий) турмуш қурганларнинг 27 фоизи эр-хотин ўртасидаги муносабатларни қониқарли эмас, деб баҳолаган.


Оиладаги ўзаро мустаҳкам ҳамжихатлик, никоҳнинг негизи саналмиш – ўз жуфтига бўлган муҳаббат ҳисси билан боғлиқ. Буни 47,5 фоиз респондент қайд қилган. Шу билан бирга, 34,5 фоиз ёш оила бўлажак турмуш ўртоғини танлашда ота-оналарнинг иштирокини муҳим, деб ҳисоблаган. Бу ҳолат, айниқса, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида устувор аҳамиятга эга. Бирок, бу масалаларни ҳал этиш, аниқ қарор қабул қилиш йигит зиммасида қолаверади. Бухоро (38 фоиз), Навоий (39 фоиз) ва Наманган (42 фоиз) вилоятларида турмуш ўртоқ танлашда кўпроқ диққат-эътибор уларнинг ижтимоий етуклиги ва оила қуришга қанчалик тайёр эканлигига қаратилади.

*Ёш оилаларнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари.* «Сиз оила учун қайси қадриятларни муҳим деб биласиз?», деган саволга аксарият респондентлар болаларга намуна бўлишда ота-она ўрнининг муҳимлигини (66 фоиз) ва оилада фарзандлар тарбиясига масъул эканликларини (40 фоиз) айтишган. Бу, ўз навбатида, фарзанд тарбияси оилавий ҳаётда энг олий қадрият эканлигини кўрсатди.

Юқоридагилардан ташқари, респондентлар учун қуйидагилар ҳам муҳим саналади: ота-она ва катталарни ҳурмат қилиш (24 фоиз), меҳнатсеварлик (23 фоиз) ва вафодорлик (22 фоиз). Афсуски, соғлом турмуш тарзи, овқатланиш маданияти (16 фоиз), маълумотлилик (10 фоиз), оилада тенг ҳуқуқлилик (8 фоиз) ва мустақил бўлиш (7 фоиз) каби қадриятлар ҳозирча долзарблик касб этганича йўқ. Респондентларнинг жавобларида жинси, ёши ва ҳудудлар кесимида сезиларли фарқлар ҳам аниқланмади.

Шу билан бирга, олий маълумотли респондентларнинг жавобларида соғлом турмуш тарзи, овқатланиш маданияти (23 фоизгача), меҳнатсеварлик (41 фоиз), зиёлилик (18 фоиз) ва вафодорлик (29 фоиз) кўпроқ аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.


**Савол: Сиз оила учун қайси қадриятларни муҳим деб биласиз?**  
 Сўровнома ўтказилган оилалар сонига нисбатан % да



*Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.*

## Савол: Сизнинг динга бўлган муносабагиниз?

Сўронома ўтказилган оилалар сонига нисбатан % да



*Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммолари-ни ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.*

*Динга муносабат.* Ислом дини ўзбек халқи учун асосий маънавий қадриятлардан бири ҳисобланади. Респондентлардан динга бўлган муносабатлари ҳақида сўралганида, уларнинг аксарияти диний урф-одатларни билишларини (39,3 фоиз), доим уларга риоя қилишларини (23,8 фоиз) айтишган. Бунда респондентларнинг 13,7 фоизи Яратганга иймон келтиришини, 9 фоизи эса, дин улар учун муҳим эканлигига урғу беришган. Диннинг муҳимлигига урғу берган респондентларнинг (14 фоизи) Тошкент шахрига тўғри келади. 15 фоиз респондент мазкур саволга жавоб беришга иккиланган, қарийб 14,7 фоизи эса бирорта ҳам динга эътиқод қилмаслигини қайд этан.


Респондентлар динга турмуш ўртоғи ва ота-оналарига нисбатан кўпроқ эътибор беришларини таъкидлаганлар. Шу билан бирга, 17 ёшгача турмуш қурган шахслар ҳам динга юқоридагилардан кам бўлмаган ҳолда эътибор беришлари маълум бўлди (30 фоизгача). Бу, оилада динга эътиқод мавжудлигидан далолатдир.

Динга содиқлик шариат кўрсатмаларига қатъий амал қилишни, жумладан, спиртли ичимлик истеъмол қилмаслик ва зинога яқинлашмасликни тақозо этади. Спиртли ичимлик истеъмоли бўйича берилган саволга респондентларнинг қарийб 62 фоизи салбий жавоб қайтарган. Шу билан бирга, уларнинг 13 фоизи спиртли ичимликларни йилда бир неча маротаба, 9 фоизи – ойда бир неча марта ва фақат 4 фоиз респондентгина тез-тез истеъмол қилишини айтиб ўтган. Шуни таъкидлаш жоизки, 10 фоиз респондент жавоб беришга иккиланган, шу боис уларни авваллари спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилган ёки вақти-вақти билан ичиб турувчи шахслар қаторида эътироф қилиш мумкин.

Эркак респондентлар орасида спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳолати 3-4 баробар кўп учрайди. Шунингдек, алкоголь истеъмол қилишини таъкидлаган 20 фоиз респондент олий маълумотли шахслар ҳисобланади. Бу, ўрта махсус маълумотга эга бўлган ичувчи респондентларга нисбатан қарийб 2 баробар кўп, деганидир.



**Савол: Спиртли ичимликларни қанчалик тез-тез истеъмол қиласиз?  
Сўровнома ўтказилган оилалар сонига нисбатан % да**



*Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммола-рини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.*

Худудлар кесимида Наманган вилояти (75 фоиз) ва Тошкент шаҳрида (79 фоиз) ичувчилар сони нисбатан кам бўлиб, энг юқори кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона вилоятига тўғри келади.

Ахлоқ нуқтаи назаридан турмуш ўртоғига нисбатан хиёнат қилиш ҳақидаги саволга респондентларнинг тахминан 39 фоизи бу камдан-кам содир бўладиган иш эса-да, уни асло кечириб бўлмаслигини эътироф этган. Шунингдек, 30 фоиз иштирокчи мазкур саволга жавоб беришга иккиланган ва тахминан бир хил нисбатда қуйидаги жавоблар олинган: «бу каби ҳолатлар мавжуд, уларни аниқлаш мушкул» (11 фоизи), «бундай ҳолатлар тахмин қилинганидан ҳам кўп учрайди» (9 фоиз), шунингдек, «бундай ҳолатлар жуда кўп бўлиб, жамият уларни эътиборсиз қолдиради» (9 фоиз).

Умуман олганда, бу саволга ёш оилалар томонидан берилган жавоблар турмуш ўртоғига хиёнат қилиш салбий ижтимоий ҳодиса сифатида эътироф этилган. Шу билан бирга, фикрларнинг қиёсий бир хиллиги аҳоли ўртасида ахлоқий қадриятларнинг кенг тарқалганини тасдиқлайди. Бироқ, бундан аввал фарзанд тарбияси ва катталарни ҳурмат қилиш каби энг муҳим қадриятлар ҳақида олинган маълумотларга таяниладиган бўлса, хиёнат далиллар билан аниқланган тақдирда ҳам оилани фарзандлар камоли учун сақлаб қолишга уриниш ҳақидаги хулосага келиш мумкин.


*Оиладаги ички низолар ва ёш оилада зўравонликнинг намоён бўлиши.* Ёш оиладаги мавжуд маънавий қадриятлар оилада ички низоларнинг келиб чиқишига ва ундаги турли зўравонликларга тўсиқ вазифасини ўтайди. Уйдаги зўравонлик деганда, одатда оила аъзоларига нисбатан бўладиган жисмоний, руҳий, иқтисодий ёки жинсий зўравонлик назарда тутилади. Психологик зўравонлик

бу – дўқ-пўписа қилиш, ҳақоратлаш, мажбурлаш, зўрлаш, иқтисодий чекловлар қўйиш, айблашлар, руҳий қийноққа солиш ва шунга ўхшаш ҳаракатлар орқали турмуш ўртоғининг руҳиятига бевосита ё оммавий равишда таъсир этишдан иборат. Бундай муносабатнинг мунтазам равишда давом этиши ожизлик, нотагонлик, руҳий сиқилиш каби ҳолатларини келтириб чиқаради. Сўровнома натижаларига кўра, ёш оила аъзоларининг 19 фоизи вақти-вақти билан психологик зўравонликдан жабр кўрган.

*Жисмоний зўравонлик* бу – қўрқувга солиш, оғриқ ва жароҳатлар, турли жисмоний азоб-уқубатлар ёки жисмоний шикаст етказишдан иборат. Жисмоний зўравонликдан кўзланган асосий мақсад, инсонни назорат қилишдир. Жисмоний зўравонлик таҳдидлар, қўрқитиш ва яққалатиб қўйиш орқали чекловлар қўйиш, манипуляция ва шахс эркинлигининг бошқа чекловлари орқали бирор нарсага чек қўйиш каби ҳақоратомуз хатти-ҳаракатларнинг энг юқори нуқтасига ҳам айланиши мумкин. Сўров натижаларига кўра, ёш оила аъзоларининг 2 фоизи мунтазам равишда жисмоний зўравонликка дуч келган.

*Иқтисодий зўравонлик* бу – оиланинг иқтисодий ва бошқа манбаларини назорат қилиш, оила «таъминоти» учун моддий имкониятларни чеклаш, таъмагирлик ва таъмагирликка мажбур қилишдан иборат. Шунингдек, у ўз ичига таълим олиш ёки ишга жойлашишда тақиқлар ва оилада тангликни келтириб чиқариш мақсадида унинг маблағларини қасддан сарфлаб юбориш каби ҳолатларни олади. Сўровномаларга кўра, ёш оила аъзоларининг 5 фоизи мунтазам иқтисодий зўравонликка дуч келган.

**Савол: Оила аъзоларингиз ҳеч шундай вазиятга тушганми?**  
 сўровнома ўтказилган оилалар сонига нисбатан % да



Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммолари-ни ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.

*Жинсий зўравонлик* бу – ҳар қандай жинсий хатти-ҳаракат каби жинсий алоқа қилишга мажбурлаш мақсадида зўрлик қилиш ёки таҳдид қилиш орқали уни амалга оширувчи ахлоқсиз ҳаракат. Бу моддий аҳволдан қатъи назар, барча оилаларда мавжуд бўлган ва маълум бир вақт ўтиб, жисмоний зўравонликка айланиши мумкин бўлган интернационал ҳодисадир. Сўровнома натижаларига кўра, ёш оила аъзоларининг 2 фоизи мунтазам равишда жинсий зўравонликка дуч келган.


Аксарият респондентларнинг таъкидлашича, ёш оилаларда у ёки бу кўринишда содир бўладиган зўравонлик, одатда эр (23,7 фоиздан зиёд) ёки қайнона (8,6 фоиз) томонидан амалга оширилади. Сўровномада иштирок этган 17 ёшгача турмуш қурган респондентларнинг (20 фоиз) таъкидлашича, улар кўпроқ қайнона (20-30 фоиз) ва ўз эри (42 фоиз) томонидан кўрсатилган салбий муносабатлардан жабр чеккан.

Зўравонликнинг турли шаклларда намоён бўлишига асосий сабаб сифатида респондентлар характердаги қарама-қаршилиқлар, эр ё хотиннинг рашкчилиги, ичкиликбозликка муккасидан кетиш каби зарарли одатлар сабаб бўлишини қайд этган.

Турли шахслараро низолар ва зўравонликнинг ҳар хил шакллари қўллашга уриниш, алалоқибат, ёш оиланинг барбод бўлишига олиб келади. «Сизнингча, ёш оилаларнинг ажрашишларига асосий сабаб нима?», деган саволга респондентлар томонидан қуйидагича жавоблар берилди: қизларнинг барвақт турмушга чиқиши (40 фоиз), ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги (30 фоиз), моддий қийинчиликлар, ота-онага тобелик (23 фоиз), келин ва қайнона ўртасидаги зиддият (30 фоиз). Шунингдек, ажрашишларга глобаллашув жараёнидаги “оммавий маданият”нинг ўзгариши ҳам ўзининг муайян таъсирини ўтказиши қайд этилди (14 фоиз).

### Савол: Ким томонидан салбий ҳагги-ҳаракатлар содир этилган?

Сўровнома ўтказилган оилалар сонига нисбатан % да



Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммола-рини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.

*Ажрашишларнинг олдини олиш.* Ҳозирги пайтда давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ажрашишларнинг олдини олиш, ёш оилалар ҳаётидаги мавжуд моддий қийинчиликларни бартараф қилиш, уй-жой муаммоларини ҳал этиш, иш билан таъминлаш ва бошқа шу каби масалалар бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Ажрашишларнинг олдини олиш бўйича маҳалла даражасида Яраштирув комиссиялари фаолият юритмоқда, хотин-қизлар билан Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмалари, оилалар билан эса «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари иш олиб бормоқда, ёшлар ва уларнинг муаммолари билан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи шуғулланиб келяпти.

ФХДЁ органларида «Оила мактаблари» ташкил этилган бўлиб, унда никоҳдан ўтаётган ёшлар, зарур ҳолларда уларнинг ота-оналари билан бевосита суҳбатлар ўтказилмоқда. Машғулотлар асносида иштирокчиларга соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсий ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш, тиббий кўриқдан ўтишнинг аҳамияти, оила қураётганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотлар акс этган буклетлар ҳам тақдим этилади.

Маҳаллалар қошида «Ота-оналар университетлари» ташкил этилган бўлиб, уларда ота-оналарга мунтазам равишда оила ҳуқуқи, оила маънавияти, оила психологияси, оила иқтисодининг асослари, болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар бериб борилади.

Бутун республика бўйлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг минтақавий ҳудудлари томонидан зўравонлик ва ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш, муаммоли оилалардаги аёллар ва болалар билан ишлашни мақсад қилган ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик

ишлатишнинг олдини олиш реабилитация Марказлари ва бошқа муассасалар очилмоқда. «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан республиканинг ҳар бир вилоятида никоҳланувчи ёшлар учун илғор замонавий технологияларни татбиқ этган ҳолда “Келин-куёвлар инновацион мактаблари” ташкил этилмоқда.

Кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят марказлари ва йирик шаҳарларда кўп қаватли арзон уйлар қуриляпти. Ёш оилаларга республика банклари томонидан 15 йилгача бўлган муддатга уч йиллик имтиёзли ипотека кредитлари, 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга имтиёзли истеъмол кредитлари ва 3 йилгача микрокредитлар тақдим қилинмоқда.

Энг қизиғи, респондентларнинг 40 фоиздан ортиғи, хоҳ эркак, хоҳ аёл киши бўлсин, давлат ва юқорида эътироф этилган ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишлардан мутлақо беҳабар экани аён бўлди. Қишлоқ жойларда бу кўрсаткич 47 фоиз, ҳудудлар кесимида – Қашқадарё (53 фоиз) ва Фарғона (51 фоиз) вилоятлари, Тошкент шаҳрида (77 фоиз)ни ташкил этди. Шу билан бир қаторда, ёш оилаларга кўмаклашувчи ташкилотлар фаолиятдан боҳабар бўлган аҳоли – Навоий (80 фоиз), Сурхондарё (72 фоиз) ва Хоразм (69 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Ўз навбатида, «Сиз қачондир ушбу ташкилотга ёрдам сўраб мурожаат қилганмисиз?», деган саволга респондентларнинг аксар қисми салбий жавоб қайтарган. Респондентларнинг бир қисми (10 фоизгача) авваллари мазкур ташкилотларга кўмак сўраб мурожаат қилганини, лекин барчаси самарасиз бўлганини қайд этди (Наманган – 13фоиз) ва Самарқанд – 18 фоиз вилоятлари). Бундан ташқари, респондентларнинг тахминан 8 фоизи бундай ташкилотларнинг зарур бўлганда кўмак бера олишига шубҳа билдирганлар.




*Ажрашиш сабаблари ва оқибатлари.* Сўров натижаларига кўра, респондентлар орасидаги ажрим 18,7 фоиз ташкил этгани маълум бўлди. Ажрашиш, асосан, турмуш қургандан кейин 2-3 йил ўтиб содир бўлган (буни ажрашганларнинг 36,5 фоизи қайд этган). Турмуш қуриб, ажрашганлар: олти ойгача – 14 фоиз, бир йилгача – 16 фоиз, 4-6 йил ўтиб – 18,3 фоиз, 7 йил ва ундан ортиқ – 16 фоизни ташкил қилган.

Бундан ташқари, турмушдаги муаммоларга олий маълумотга эга бўлган оилаларга (эр-хотиндан бири) нисбатан дурустроқ маълумоти бўлмаган оилаларнинг кўпроқ дуч келишлари аниқланди.

Турмушнинг дастлабки йиллари юқори мослашувчанлик, тиришқоқлик, шунингдек, фарзандлар олдидан ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис этишни талаб этади. Ажрашган ёш оила аъзолари ўртасида ўтказилган сўровнома битта фарзанди билан қолганлар 62 фоиз, иккита фарзанд – 27 фоиз, уч ва ундан ортиқ фарзандга эга бўлганлар – 11 фоиз эканини кўрсатди. 86 фоиз респондент ажрашган оиладаги бола, асосан, она қарамоғида, 10 фоиз ота, 4 фоиз бошқа қариндошлари қарамоғида бўлишини қайд қилишди. Афсуски, 67 фоиз респондент оилани сақлаб қолишда болаларнинг ҳеч қандай роли бўлмаганини таъкидлаган.

Респондентлар ўз шахсий тажрибаларидан келиб чиқиб, ажрашишларга, асосан икки томон характерининг мос келмаслиги (41 фоиз), ота-она ва қариндошларнинг таъсири (34 фоиз) ҳамда зарарли одатлар (25 фоиз) сабаб бўлишини таъкидлашган. Шунингдек, бунда моддий масалалар (16 фоиз), уй-жой муаммолари (15 фоиз) ва фарзандсизлик (13 фоиз) каби сабаблар кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ёшларнинг характерлари мос келмаслиги ва зарарли одатлар сабаб ажрашишлар қишлоқ жойларга нисбатан шаҳар жойларда кўп учрайди.

**Ёш оилаларнинг ажралиш сабаблари,**  
 Сўронома ўтказилган оилалар сонига нисбатан % да



Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммолари ни ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.

Вилоятлар кесимида характерлар мос келмаслиги сабаб ажрашишларнинг аксарият қисми Бухоро (39 фоиз) ва Хоразм (69 фоиз) вилоятлари ҳамда Тошкент шахрига (65 фоиз) тўғри келади. Шунингдек, Хоразм вилояти вакиллариининг таъкидлашича, ажрашишларга ота-она (37,5 фоиз) ва қариндошларнинг (19 фоиз) таъсири юқори даражада.

Ўз навбатида, Тошкентдаги респондентлар томонидан ажрашишлар, асосан эр ё хотиннинг касалвандлиги (23 фоиз) ҳамда узоқ муддат бир-биридан айри ҳолда яшаб келганлиги (23 фоиз) туфайли содир бўлиши эътироф этилган. Шунингдек, ёш эр-хотиннинг узоқ муддат бир-биридан алоҳида яшаши билан боғлиқ ажрашиш сабабларининг нисбатан юқори кўрсаткичлари Андижон (18 фоиз) ва Навоий (11 фоиз) вилоятлари аҳолиси томонидан қайд этилган бўлиб, уларнинг ўртача қиймати 6 фоизни ташкил қилади.


Сўровномалар натижаси ажрашишларнинг асосий ташаббускорлари – респондентларнинг ўзлари (34 фоиз), эр ё хотин (44 фоиз), эр ё хотиннинг ота-онаси (17 фоиз), сўралувчи ёш оила аъзоларининг ота-оналари (5 фоиз) эканлигини кўрсатди. Бунда эркаклар (46 фоиз), аёлларга (27 фоиз) қараганда икки баробар кўпроқ ташаббус кўрсатишган. Бундан ташқари, бундай ташаббус аёлнинг ота-онасидан кўра (2 фоиз), эркакнинг ота-онаси томонидан (23 фоиз) икки баробар кўпроқ амалга оширилар экан. Шу тариқа, эр ва унинг ота-онаси ажрашишларнинг асосий ташаббускорлари сифатида намоён бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, Андижон вилоятида ёшлар кўпроқ ота-онасининг хоҳиш-истагига кўра ажрашишмоқда (ўртача кўрсаткичдан 2 баробар кўп), бевосита ёшларнинг ўзлари сабабчи бўлаётган ажрашишлар эса Фарғона вилоятида кўпроқ (74 фоиз) кўзга ташланади.

«Яқин қариндошларингиз сизнинг ажрашиш ҳақидаги қарорингизни эшитган пайтда, бунга қандай муносабат билдиришди?», деган саволга респондентлар томонидан куйидагича жавоблар бўлди: яқин қариндошлар изтиробга тушишган ва ажрашишнинг олдини олиш пайида бўлишган (58 фоиз); қариндошлар ажрашишни тўла қўллаб-қувватлашган (27 фоиз); қариндошлар бу ҳолатга лоқайдлик билан (15 фоиз) қарашган ва ҳеч қандай чора кўришмаган.

### Савол: Ажрим кимнинг ташаббуси билан бўлган?

Сўровнома ўтказилган оимлалар сонига нисбатан % да



Манба: 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар муаммолари-ни ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган ижтимоий сўровлар.

Ажрашиш жараёнидан сўнг, аксар ҳолларда ёшлар муносабатларни қайта тиклашни кўп ҳам исташмайди (66 фоиз). Тадқиқотлар 32 фоиз респондент собиқ турмуш ўртоғи билан мутлақо муносабат қилмаслигини, 21 фоиз – салбий муносабатда эканини, 10 фоиз – ниҳоятда танг муносабатда, фақат 8–9 фоиз яхши ва ниҳоятда самимий муносабатда эканини кўрсатди.

Ажрашиш, айниқса, аёл киши учун ҳам руҳий, ҳам маънавий зарба бўлиб, саломатлигига ҳам қаттиқ пуғур етказди. Респондентларнинг 50 фоизи ажрашишдан кейинги руҳий тушкунликдан эсон-омон ўтиб олганликларини таъкидлашган (42 фоиз эркаклар ва 58 фоиз аёллар). Шу билан бирга, руҳий тушкунликни бошидан ўтказганларнинг катта қисмини қонуний никоҳдан ўтмаган шахслар ташкил этади (72 фоиз).

Ўз навбатида, респондентларнинг 30 фоизи ажрашганидан сўнг янги ҳаётга қийинчилик билан, аста-секин кўникаётганини айтган. 26,4 фоиз респондент учун янги ҳаётга мослашув оз бўлса-да, салбий оқибатлар билан кечган. 15 фоиз респондент эса, ажрашиш уларга ижобий таъсир кўрсатганини, бу даврни тез ва осон бошдан ўтказиб юборганлигини таъкидлаган. Бироқ, 13 фоиз респондент ажрашишни ҳазм қилолмаган ва бу уларга салбий таъсир кўрсатган.

Шундай бўлса-да, ажрашиш ҳолатини бошдан кечирган иштирокчилар орасида ўтказилган сўровномаларда респондентлар шахсий ҳаётларини қуриш учун тузган режалари билан ўртоқлашишди. Бунда 35 фоиз респондент янги бахтли оила қуришни режалаштирган, 23 фоизи – янги оила қуриш босқичида турган бўлса, яна 23 фоизида келажак учун бутунлай бошқа режалар тузилган.

Респондентларнинг умумий сони ичидан, асосан, эркаклар янги оила қуришга тайёр эканликларига ишонч билдирганлар. 30 фоиз эркаклар янги оила қуриш босқичида турибди, бу аёлларга нисбатан икки баробар кўп, дегани. Бу расмий статистика билан ҳам тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, ажрашиб янги оила қурган эркаклар сони 2017 йилда 18.643 нафарни, аёллар эса 8.678 нафарни (орадаги фарқ 2 баробардан зиёд) ташкил қилган<sup>2</sup>.

2 «Ўзбекистонда оила (2013-2017 йй.)» статистик тўплам. Ўзбекистон

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1) Республикада никоҳ ижтимоий институт сифатида кенг тарқалган. Ёш оилаларнинг аксарият қисми (94 фоиз) расмий никоҳ орқали турмуш қурган. Шу билан бир қаторда, айрим ҳудудларда, масалан, Қорақалпоғистон Республикасида норасмий (ФХДЁ органларида рўйхатга олинмаган) никоҳларнинг ўсиш суръати (динамикаси) кузатилмоқда.

Рўйхатдан ўтмаган никоҳлар ҳақида расмий статистиканинг йўқлиги боис, бутун дунёда тахминий кўрсаткич – турмуш қурмаган аёллардан туғилган болалар сони қўлланилади. Европа мамлакатларида мазкур кўрсаткич 30-60 фоиз, Россияда 20 фоиздан ортиқ, Осиё давлатларида эса, 2-10 фоизни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда турмуш қурмаган аёллардан туғилган болалар сони кўрсаткичи 8 фоиздан ортиқ. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 17,2 фоиз, Сурхондарё вилоятида 12,1 фоиз ва Сирдарё вилоятида 11,2 фоиздан иборат.

2) Ёш оиланинг барқарорлик мезонлари нафақат никоҳнинг расмий мақоми, балки оилавий муносабатларнинг феъл-атвори билан ҳам белгиланади.

*Биринчидан*, никоҳ ёшига етмасдан барвақт турмуш қуриш, шунингдек, ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги ёш оилаларнинг бузилиб кетишига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда эндигина турмуш қурганига 2-3 йил бўлган ёш оилалар ўртасида ажрашишлар кўпайгани кузатилмоқда. Ажрашишларга феъл-атворнинг номутаносиблиги, ота-оналар таъсири ва эр-хотиндан бирининг салбий одатлари асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Оилавий низолар сабаб ажрашишлар, кўпроқ ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги билан боғлиқ. Шунини таъкидлаш жоизки,

Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2018.

17 ёш ва ундан олдин турмушга чиққан қизлар мутлақо оилавий ҳаётга тайёр эмас. Ёшларнинг кўпчилиги қизларнинг 21-27 ёшда турмушга чиқишини маъқуллашган. Шу билан биргаликда, Андижон ва Фарғона вилоятлари респондентларининг 6-10 фоизи турмуш қуриш учун 17 ва ундан кичик ёшни афзал, деб билишган.

*Иккинчидан*, эркакларнинг оила учун масъулияти пассив бормоқда. Кўпчилик ҳолларда, фарзандга қараш ва уни тарбиялаш учун она отага нисбатан икки баробар кўп вақт ажратади. Фақат 15 фоиз респондент эркакларгина бўш вақтларида фарзанд тарбияси билан шуғулланишларини қайд этишган. Болалар ажрашиш жараёнида оилани сақлаб қолишда ҳеч қандай роль ўйнамайди (67 фоиз ажрашган оилалар жавоби). Ажрашгандан сўнг 86 фоизга яқин бола ўз онаси қарамоғида қолади. Отасиз ўсган болалар, одатда, агрессив бўлади (тажовузкор) ва ўзини ерга урилгандек ҳис қилади. Натижада ўсмирлар орасида жиноятчилик, ичкиликбозлик ва бошқа турли салбий ижтимоий ҳодисалар кўпаймоқда. Кейинчалик хунук одатларни ўзига сингдирган, янги оила қуришга тайёр бўлмаган ёшлар турмуш қуришади ва, табиийки, ота-оналарининг хатоларини такрорлашади.

Кўпчилик респондентлар эркакларга болаликдан тарбия бериш, дастлаб меҳнатсеварлик каби ҳислатларга одатлантириш, маънавий-ахлоқий тарбия бериш, ўқитиш ва спортга қизиқтириш зарур, деб ҳисоблашади. Оилавий ҳаётга тайёргарлик, аввало оиладан бошланади, кейинги босқич эса таълим муассасалари, маҳалла ва оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади.

**3) Рўй бераётган модернизация жараёнлари** (санотлаштириш ва урбанизация) оила институти ва ёшларнинг келажақдаги истиқболли йўллариغا албатта ижобий таъсир кўрсатади. Ёш оилаларнинг кадр-қиммати ҳам ўзгариб бормоқда: олий маълумотга эга бўлиш, ке-

йинчалик, бу – юқори маош олиш, лавозим пиллапояларидан кўтарилиш, шунингдек, оила қуриш ва фарзанд тарбияси учун кенг имкониятлар яратади. Афсуски, кўп-лаб респондентлар ўз истиқболли келажаклари ҳақида ҳали бир тўхтамга келганларича йўқ. Мавзу билан боғлиқ саволга ҳам жўяли жавоб қайтара олишмади.

Дарҳақиқат, глобаллашув ва иқтисодий модернизация қилиш жараёнлари инсон олдига мобиллик, профессионалик сифатларини кучайтириш, ҳар қандай ўзгаришларга мослаша олиш каби талабларни қўймоқда. Урбанизация жараёнлари, шаҳарнинг турмуш тарзи, ёшлар фаоллигининг ўсиши ва мустақиллиги, хусусан, демографик кўрсаткичларга – никоҳлар, ажрашишлар ва туғилишларга ўз таъсирини кўрсатади.

